

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2011-yil, 14-yanvar • № 3 (4090)

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!**

Сизларни ва ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 19 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу йил халқимиз барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган шонли сана – Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрамини кенг нишонлайди.

Ана шу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида амалга оширган, ўзининг кўлами ва моҳиятига кўра ғоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Юртимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди.

Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмаларнинг, кўп поғонали бошқарув тизимининг тугатилиши армиямиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига рахна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига зарба бериш қобилияти юқори даражада ошди.

Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятнинг тажриба ва малакасини эгаллаш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юртларида бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги вақтда қўшинлардаги ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи ўқув машғулотларини жанговар вазиятга мумкин қадар тўла яқинлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берадиган замонавий тренажёр мажмуалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари билан жиҳозланган сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёргарликдан ўтгани айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тизим ўқув материалини янада сифатли ўзлаштириш, бирламчи бўғин командир кадрларининг тайёргарлик жараёнини ўзгартириш, сержантлар корпусини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ва ҳарбий интизомни шакллантириш таянчига – Қуролли Кучларимизнинг мустаҳкам ўзагига айлантириш имконини берди.

Қуролли Кучларнинг қисм ва бўлинмаларини қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилиши, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципиал жиҳатдан ўзгартириш, ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, армиямизнинг жанговар тайёргарлигини бутунлай оширишга олиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда. Фақат кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юртларига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида ҳарбий ва мудофаа қурилиши, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишталигини таъминлаш ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айта оламиз.

Қадрли дўстлар!

Бизнинг энг муҳим вазифамиз – ҳар жиҳатдан замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни шакллантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, унинг тизимли ва комплекс модернизация қилинишини таъминлашдан, қисқача айтганда, халқимиз муносиб ва ҳақли равишда фахрлана оладиган Қуролли Кучларни яратишдан иборатдир.

Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво қўзғатиб, кескинлик ва қарама-қаршилик ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

**Биринчи.** Минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажакда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб боришимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган бир қолипдаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига рахна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Қуролли Кучларимизнинг муносиб ва самарали зарба бериш имконияти ва тайёргарлигини танқидий баҳолаб боришимиз даркор.

**Иккинчи.** Барча қўшин турларини бошқариш ва ўзаро узвий мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини янада ошириш, қисм ва бўлинмаларнинг стратегик, оператив ва тактик нуқтаи назардан аниқ ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш, мамлакатимиз чегараларини бузиб, юртимизга бостириб киришга қаратилган ҳар қандай ёвуз уринишларга зарба бериш ва уларни бартараф этишга доимо тайёр туриш лозим.

Бу борада Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округларнинг қўмондонлик ва штаблари олдида ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Ушбу тузилмалар ҳозирги шароитларда ҳар қандай хавфнинг чорасини олдиндан кўришга ва узоқни кўзлаб иш олиб боришга тайёр бўлиб турган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа тизимидаги заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг бартараф этилишини таъминлаш учун қўмондонлик-штаб ўқув машқларида айни шундай тайёргарликлар устида ишлашни мақсад қилиб қўйиши зарур.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи Қуролли Кучларни бошқариш, режалаштириш ва қўллаш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг информацион воситалари ва ҳарбий алоқа тизимларини уйғунлаштиришни, Қуролли Кучларимиз ахборот-коммуникацияларининг рақамли ягона тармоғини яратишни тақозо этмоқда.

**Учинчи.** Барча даражадаги қўшин турларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида қўмондонлик-штаб, тезкор-тактик, тактик-махсус ўқув машқлари ва машғулотларини ўтказиш, индивидуал ва гуруҳ шаклидаги жанговар тайёргарликнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳамкорликдаги операцияларга жалб этиладиган чегара қўшинлари, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари, вертолёт-ҳужум бўлинмалари ва махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, бошқа жалб қилинадиган қўшин турлари ҳамкорлигида турли модель ҳамда вариантларни амалда қўллаш барча ўқув машғулотларининг муҳим таркибий қисмига айланиши шарт. Шу борада ҳарбий округлар қўмондонликларининг турли хавф-хатар ва таҳдидларга қарши тезкор зарба бериш бўйича вазифаларни ҳал қилишда белгиланган операцион йўналишлар доирасида амалда мустақил ва ўзини ўзи бошқаришга қодир бўлишига эришиш лозим.

**Тўртинчи.** Қуролли Кучларимизнинг ҳаракатчанлиги, ўзини ўзи бошқариши, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишига эришишда ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан қайта жиҳозлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Қуролли Кучларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини назарда тутган ҳолда, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолёт техникаси, бронетанк қурол-яроғлари, артиллерия тизимлари, зенит ракеталари комплекслари, залпли ўт очишнинг реактив тизимлари, юксак даражада аниқ нишонга оладиган замонавий қуроллар, индивидуал ва гуруҳ шаклида, шу жумладан, радиоактив нурланиш ҳамда кимёвий ва биологик қуроллардан ҳимояланишнинг махсус восита ва техникаларини модернизация қилиш ва уларнинг замонавий намуналарини сотиб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

**Бешинчи**. Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири – офицер ва сержант кадрларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, интеллектуал жиҳатдан юксак, аналитик ва стратегик фикрлаш қобилиятига, жанговар ҳаракатларни моҳирлик билан режалаштириш салоҳиятига эга, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқариш, уларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни қарор топтиришга қодир бўлган профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Қуролли Кучлар қўмондонлиги ҳарбий таълим муассасалари, сержантлар тайёрлаш мактабларини энг замонавий таълим жиҳозлари, жумладан, моделлаштириш ва симуляция воситалари, компьютер техникаси, ҳарбий полигон асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласига бундан буён ҳам асосий эътиборни қаратиши лозим. Ўқув жараёнини ташкил этишда ҳарбий соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини, муайян ҳудуд доирасида тез ва шиддатли тарзда кечадиган операциялар ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш бўйича бугунги тажрибаларни акс эттирадиган фан ва ихтисосликларни ўзида мужассам этган замонавий таълим дастурларига асосланиш зарур. Курсантларни назарий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қўшинлар сафидаги амалий тайёргарлиги билан узвий равишда тўлдирилиши, кундалик жанговар хизмат фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Буларнинг барчаси ҳарбий таълим муассасалари ўқитувчи ва инструкторлари таркиби олдига алоҳида юксак талаблар қўяди. Улар юқори даражадаги профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиши, замонавий ўқув-тарбия ишларининг шакл ва усулларини пухта эгаллаган ҳолда, ўзининг педагогик ва ҳарбий-профессионал малакасини доимо ошириб, хорижий армияларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириб бориши даркор. Мухтасар айтганда, улар ўз хизмат бурчини юқори даражада адо этиш, тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш, юксак маданият ва ахлоқ борасида ибрат ва намуна кўрсатишлари лозим.

Юқорида зикр этилган масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси олдида катта вазифалар турибди. Яқинда уни тубдан қайта ташкил этиш жараёнида олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, мамлакатимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш масъулияти айнан шу академияга юклангани ҳам бунинг яққол далилидир.

Ҳарбий таълим тизимини модернизация қилишда етакчи хорижий давлатлар, жумладан, НАТОга аъзо мамлакатларнинг офицер ва сержантлар тайёрлаш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш зарур.

**Олтинчи.** Мудофаа қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлиқдир.

**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғлар билан таъминлангани билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.**

Бу мақсадларга эришиш учун энг замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, етакчи жамоат ташкилотлари, олимлар, мутахассислар, маданият ва санъат намояндаларининг куч ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграциялашган қўшинлараро тизимини таъминотини йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, маиший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Бу вазифаларнинг ўта муҳим аҳамияти шундаки, авваламбор **бугунги шароитда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўла олади.**

Азиз ватандошлар!

Мана шу қутлуғ айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 19 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, барча ҳарбий хизматчиларга – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга – бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида масъулиятли хизмат вазифасини ўтаётган юртимизнинг мард ва жасур ўғлонларига, Ватанимизни ҳимоя қилишдек олижаноб бурчини муносиб адо этаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик сўзларини изҳор этишдан бахтиёрман.

Барчангизга янги 2011 йилда мустаҳкам соғлик, бахт ва омад тилайман!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни



# ОФИЦЕР ЁРИМ

Шеърий лаҳза

Ёрим муҳаббати қалбимда ғурур,
Осмоним мусаффо, мен бахтдан масрур.
Интизор кутганим ва интизорим,
Ҳаммадан келишган офицер ёрим.

Тонгни қаршилайди баъзан тоғларда,
Баъзан саҳроларда, баъзан боғларда.
Ватанга фидойи, содиқ шунқорим,
Юртимга қалқондир офицер ёрим.

Нечун фахр этмайин, Ватанга посбон,
Мардларга мардликдан ибратли инсон.

Бахтлиман, шундайин марднинг ёриман,
Уни жондан севган вафодориман.

Гурсиллатиб ташлар қадамларини,
Қўриқлар элнинг бахт, байрамларини.
Унгадир садоқат, вафо, иқрорим,
Омон бўлсин менинг офицер ёрим.

Инобат Султон БЕГИМ

# МАРДЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҚЎШИҚЛАР

***Ўғил болалар ёшлигидан аскар кийимини кийишга, сафда шаҳдам қадамлар билан юришга, аскарларча мардонавор қўшиқларни куйлашга иштиёқманд бўлишса, қизлар кўча-кўйда аскар кийимидаги йигитларни ҳавас билан кузатиб қолганларини кўпчилигимиз кўрганмиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ўғил болалардаги болалик иштиёқи бора-бора она-Ватанни ҳимоя қилиш, унинг ҳар қарич тупроғини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ҳисси билан, қизлардаги ҳавас эса аскар йигитлардан ғурурланиш туйғуси билан алмашади.***

Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай ҳамма мардлар қалбида Ватанни шарафлаб келаётган катта бир жамоа — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи ҳамда бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат ДАДАЖОНОВ.

**— Шуҳрат, аввало, сизни ва жамоангизни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаймиз. Ҳарбий либосда жанговор қўшиқ куйлашнинг гашти ўзгача бўлса керак.**

— Ҳали бу ансамблда иш бошламасимдан олдин жамоанинг чиқишларини ҳавас билан кузатардим. Хонандаларнинг овозидаги ўктамлик, кўзларида чақнаётган ўт, ижро вақтидаги мардона хатти-ҳаракатлари юрагимда завқ уйғотарди. 1994 йилдан шу ерда иш бошлаб, хато қилмаганимни тушундим. Биз айтаётган қўшиқларнинг мусиқаси ҳам, матни ҳам одамда беихтиёр ғурур ва ихтифор ҳиссини уйғотади. Чунки барча қўшиқларимиз она-Ватанга, унинг самимий, беғубор халқига меҳр-муҳаббат, садоқат, фидойилик туйғулари билан йўғрилган. Шунинг учун ҳам ёш авлодни Ватанга фидойилик руҳида тарбиялашда ҳарбий хизматнинг ва жанговор қўшиқларнинг аҳамияти катта.

Бир воқеани айтиб бераман. Фуқаролик кийимида бозорга бордим. Шунда нарса сотаётган бир аёл мени таниб қолди. "Ҳарбий либос сизга жуда ярашади, — деди у. — Ўғлим сизнинг ансамблингизни ҳам, қўшиқларингизни ҳам жуда яхши кўради, телевизордаги, тадбирлардаги чиқишларингизни кўриб, бирдан ҳарбий бўлишга қарор қилиб қолди. Ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Ҳозир жуда яхши ўқияпти".

Агар бизнинг чиқишларимиз бирор ёш-йигит қизга маъқул келиб қолса, демак, меҳнатларимиз зое кетмаётган экан. Айниқса, мактабларда, коллеж ва лицейларда, меҳрибонлик уйларида ўтказган учрашувларда болаларнинг кўзларидаги ҳавас ва ҳайрат учқунини кўрганда, ўзимизнинг ҳам қалбларимиз жўшиб кетади.

Давоми бешинчи саҳифада.



# ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАКЛАРИ

Кўргазма залларида

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Янги йил эртаклари" болалар кўргазмаси бўлиб ўтди. Болажонларнинг қишки таътилига бағишланган бу кўргазма анъанавий равишда ҳар йил ўтказилади.

Кўргазмадан ўрин олган болалар асарлари самимийлиги ва беғуборлиги билан томошабинлар эътиборини тортди. Болалар катталар учун кўп ҳолатларда унут бўлган оддийлик ва борлиқни қандай бўлса, шундайлигича қабул қиладилар. Бу каби кўргазмалар болаларнинг кейинги ижоди учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

"Колибри", Ёшлар ижод саройи болалар студияларида таълим олаётган болалар ижод намуналари ва болалар либослари намойиши ҳамда "Колибри" арт-студиясининг концерт дастури кўргазмага ўзгача файз бағишлади.

Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА

## БИЛДИРИШ

2011 йил 19 январ, чоршанба куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 90 йиллигига бағишланган ижодий кеча ўтказилади.

Тадбирга адиблар, шоирлар, олимлар ва барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*

# СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАРБИЙ САНЪАТИ

Ҳарбий санъат тарихи соҳибқирон Амир Темурни ҳақли равишда жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида эътироф этади. Буюк бобомизнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда сифатида ёркин намоён бўлган. Амир Темур тузган армия ўта интизомли бўлиб, саркарда муҳораба чоғи қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовни тадбиркорлик билан ошиб ўтишга, лашкарнинг жанговар руҳини зарур даражада сақлашга муяссар бўлган. Қўшинлар таркиби Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғулистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари жойлардан йиғилган аскарлардан иборат эди. Қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилиниб, унинг жанговар тартиби жангдан-жангга такомиллашиб борган, армия энг илғор қурол-аслаҳалар билан қуролланган, қисмлар бир-биридан кийимбоши, байроғи ва туғи билан фарқланган. Бу жанг пайтида қўшинни бошқаришда қўл келган.

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич, жуволдиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халтага эга бўлган. Сара жангчиларнинг ҳар бештаси бир чодирга жойлашган. Уларнинг ҳар бири дубулға, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган. Ҳарбий санъат сир-асрорини билган, душман сафини пароканда қилиш йўл-йўриғини яхши эгаллаган, мушкул пайтларда дадил ҳаракат қиладиган, ҳеч қандай тўсиқдан тап тортмайдиган, қўшинда содир бўлиши эҳтимолдан холи бўлмаган тартибсизликни вақтида бартараф эта оладиган ёвқур ва моҳир жангчиларгина Темурбек томонидан лашкарбошиликка қўйилган.

Соҳибқирон бобомиз ўз қўшинининг ҳарбий такомилига катта эътибор бериб, “амир ва амирулумаро”, яъни “бош амир” каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий этади. Шу каби олий даражали унвонларга эга бўлган иқтидорли саркардаларга у ҳатто вилоят ҳокимлиги ёки ноиблигини инъом этган.

Лашкар “туман” – ўн минглик, “ҳазора” – минглик, “қўшун” – беш юзлик ва “айл” – ўнлик бирикмаларга бўлинган. Туманларда аскарлар сони ўн минг, қўшинда юз нафардан ортиқ бўлган. Амир Темур ўн минглик учун “туман оғаси”, минглик бўлинмалар учун “мириҳазора”, юзликлар учун “қўшунбоши” ва ўнликлар учун “айлбоши” каби ҳарбий мансаблар таъсис этган, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи, маоши белгилаб берилган.

Ҳар вилоят асосий – “асл” ҳамда захира – “изофа” қисмларни тўплаб берган. Вилоятлар тош отар – сангандоз, девор бузувчи — манжанақ, ўт отар ёки тўп – раъдандоз ва нафтандоз ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлар эди. Аскарий қисмларни тўплаш билан тавочи вазифасидаги амалдорлар шуғулланган.

Жангда баҳодирлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Қайси амир бирон қўшинни енгса ёки вилоятни фатҳ этса, у туғ, ноғора, баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига кириш ҳуқуқи ҳамда бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийланган. Ҳар бир зобит жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала ва адолатли бўлиши лозим эди.

Тактика жиҳатидан Амир Темур армияси қўшини еттита тактик қисм-кучларга бўлинган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанггоҳда зарур даражада ҳаракат қилиши учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, уларни жанг чоғида бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Қисмлараро алоқа юқори савияда бўлиши, ҳарбий бошлиқларнинг тўғри танланганлиги муҳораба натижасига самарали таъсир кўрсатган.

Клавихонинг таърифига кўра, темурий лашкарбоши тинчлик чоғида зарҳал ип билан тикилган ҳаворанг сатин кўйлак кийган. Унинг бошида дур ҳамда бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган бўрк бўлган. Бўркнинг остидан уч қатор қилиб ўрилган икки кокил елкага тушиб турган. Элчи бу йўсинда ўрилган сочлар Темурбек аскарларининг нишони эканлигини алоҳида қайд этади.

Юриш олдидан Соҳибқирон аркони давлат, вазирлар, саркардалар, амирзодалар, беклар ва амирларни ҳарбий кенгаш — машваратга тўплаган, сўнгра аскар йиғиш учун махсус буйруқ эълон қилинган, қисмлар ҳарбий кўрикдан ўтказилган. Амир Темурнинг ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва, аксинча, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм — канбулнинг жорий этилишидир.

Амир Темур қўшинини Жаҳонгир Сайфуддин ва Пурҳусайн барлослар, Оқ Буға, Усмон Аббос, Муҳаммад Султон Қамарий, Ўрус Буға, Ҳамза Сулдуз, Амир Муризода, Муҳаммад Қазғон, Сариқ Атка ва Музаффар Уч Қаро каби жангларда шуҳрат топган маҳоратли ва жасур кишилар бошқарган.



Соҳибқирон Амир Темур ана шу тарзда ўз замонининг кучли ва энг жанговар лашкарини ташкил қилишга муваффақ бўлганди. Душман мудофаасини моҳирона яксон қилиш, ғанимларнинг йирик шаҳарларига қўққисдан зарба бериш, мустаҳкам қалъа, қўрғон ва ҳисорларни узоқ муддат қамал қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг кўламда қуршовга олиш, рақибни таъқиб қилиш каби стратегик режаларни кўзлаб иш юритиш Соҳибқиронга фақат ғалаба олиб келарди.

Соҳибқирон яратган қудратли армия жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор армияси сифатида тан олингани, кейинчалик ҳам буюк саркардалар, ҳарбий мутахассислар томонидан эътироф этилгани, бир неча асрлар мобайнида ибрат ва андоза вазифасини ўтагани ҳамда ҳарбий санъат тарихи сифатида кенг кўламда ўрганилгани бежиз эмас.

Шубҳасиз, бизнинг бугунги армиямиз — Ватанимиз ҳимоячилари учун ҳам буюк бобомиз яратган армия қўшинларининг ёвқурлиги, баҳодир жангчиларнинг довюраклиги чинакам ибрат тимсолидир.

**Дилафрўз ҚУРБОНОВА,**
**Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими, тарих фанлари номзоди**

---

**Бугун — Ватан ҳимоячилари куни**

# ОСОЙИШТА ЭКАН ШУ ЮРТ, ШУ ЧАМАН...

**Бадиа**

Момом тўқсонга қараб кетяпти, онам олтмиш остонасини ҳатлаган, мен эса йигирма еттидаман. Момом онамни сизлаб гапиради, яна қизим демасдан унинг исмига «опа» рутбасини ҳам қўшиб қўяди. Қизиғи, бошқа фарзандлар бу илтифотдан бебаҳра. Буни яқинда сездим. Ўйлаб қарасам, олдинроқ сезиш учун имкон ҳам бўлмаган экан: шаҳарда ўқиш, тирикчилик ташвишлари, қишлоқдан узилиш...

Институтда ўқиб юрган пайтимда йилда бир ё икки марта қишлоққа борардим. Ҳозир ҳам шу аҳвол. Орадан ўтган йиллар бу «анъана»ни бузишни истамагандек шаҳардаги ишларим кўпайса кўпаймоқдаки, камайгани йўқ. Шунга яраша вақт тиғиз, баъзан қишлоққа қўнғироқ қилишга ҳам фурсат тополмайман. Бу бир томондан баҳона. Шаҳар дийдамизни қотириб, оқибатимизни манфаатлар оқимига едириб юборгандек. Пўримлигимиз остида катта бир ожизлик, топаётганларимиз тубида чексиз йўқотишлар бор.

Яқинда байрам муносабати билан қишлоққа боришни режалаштириб, онамга қўнғироқ қилиб қўйдим. Ўшандан бери ҳар куни онам қўнғироқ қиладилар: «Ўғлим қачон йўлга чиқмоқчисан, болаларингни ҳам олиб келгин...». Илгари ҳам шу ҳолат бўлгандир, лекин онамнинг илҳақлиги бу гал диққатимни тортди.

Ўн йил олдин уч ака-ука кетма-кет шаҳарга ўқишга келдик. Опаларим ўз оиласи билан бўлиб, катта ҳовлида онам ёлғиз қолди. Отам анча йил олдин ҳаётдан кўз юмиб кетган бўлса-да, онам сабр-бардош билан бизларнинг ўқиб, билим олишимиз учун бор кучларини сарфлади, ҳануз шундай. Ўтган вақт мобайнида онамнинг қийналганини ёзиб ўтирмоқчи эмасман, сабаби у пайтлар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

Ўн йил онам ёлғиз яшади. Юракдаги умид ва орзу барча қийинчиликка малҳам бўлди. Бу баъзилар учун арзимаган ҳодиса бўлиб кўриниши мумкин, илгари мен ҳам буни оддий ҳол, деб билардим. Лекин ёзнинг жазирамасию қишнинг қаҳратон совуғида онамнинг ёлғиз яшаганини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Унинг ёлғизлиги эвазига эришаётган ва... қувонаётган ютуқларим кўзимга писта пўчоғидай арзимас бўлиб туюлади.

Бу даврда бир ҳақиқатни англаб етдим: бизнинг ҳаётимизда баҳор, онам умрида эса куз. Хўш, онам нима учун дунёга келди? Нима учун яшади? Ҳаётда нима роҳат кўрди? Унинг топгани — ўғилларининг аспиранту магистр бўлганидами? Шу холосми?.. Ахир, дунёда аспирантларнинг онаси камми?!. Менинг топилдиғим онамнинг йўқотишлари эвазига келмаяптими?!

Мана, неча кунки, онам кун санаб, келишимни пойлаб ўтирибди. Бизда эса кўнгил хотиржам: акам бор-ку, келинлари... Тунов куни кўнглим жуда хуфтон бўлди. Онамга қўнғироқ қилдим.

— Қишлоққа, бағрингизга бутунлай қайтмоқчиман, — дедим.

Орага бир сониялик сукунат чўмди. Онам оғир хўрсиниб гап бошлади.

— Нима, ишларинг яхши эмасми, болам?

— Йўқ, ҳаммаси жойида. Оилам тинч, лекин сизни кўп қийнадим, ҳаммасига чидадингиз. Ўқитдингиз, камолга етказдингиз, охир-оқибат мендан нима кўрдингиз? Сизга бирор нафим тегдими? Берганимдан олганим кўп...

Томоғимга бир нима тиқилиб, гапиргани қўймади. Яна бир оғиз гапирсам, йиғлаб юборишим тайин эди. Онам жим. Кейин чуқур нафас олиб гап бошладилар:

— Сен нима ё ким учун ўқидинг билмадим-у, лекин мен сени ўзим учун вояга етказганим йўқ.

— Ахир... мени деб қанчалар азоб тортганингизни энди англаб етяпман, мен ўзлигимни топмоқчиман. Сизга қанчалар хизмат қилсам ҳам кам. Бу ўй охирги пайтлар менга тинчлик бермаяпти.

— Сўзимни бўлма! Шаҳарда фаррош ё қоровул ёки шофёр ҳаётини ўйлаб кўр: тунни тонгга улайди. Ўзинг ҳам нима учун эрталабдан кечгача меҳнат қилаяпсан? Ким учун? Мен келажакда ўғлим ёнимда ўтирсин, хизматимни қилсин деб шунча қийинчиликларни кўрганим йўқ. Тўғри, бу ҳам инсондаги бир орзу-ҳавасдир... Аммо олдимиздаги асосий мақсад эмас-ку?..

Онамнинг гапларидан, жавобларидан англаганим шу бўлдики, ҳамма ҳар хил йўлда, ҳар хил кўринишда ўз тирикчилигини олиб боради. Лекин бир ўйлаб кўрайлик: мақсад нима? Мақсад — пул топишми ё болаларини боқиш, ёки ота-онасининг хизматини қилиш? Мақсад битта — Ватанга хизмат қилиш. Бу ҳар хил кўринишда бўлади. Лекин бир манзилга олиб боради. Баъзида, бу фақат шу соҳага доир ишлар билан шуғулланувчи давлат идораларида ишлаёттан ходимларнинг вазифаси деб қараймиз, лекин уларнинг ҳам вазифаси ҳамма билан баробар. Улар ҳам ўз вазифасини сидқидилдан бажаришади ва ўз ҳиссасини қўшишади.

Лекин мақсад ҳамма учун битта: Ватан учун яшаш!

Атрофимиздаги ҳамма инсонлар, у ким бўлишидан қатъи назар, шу мақсад учун яшайди, меҳнат қилади. Ҳамма оналар ҳам тунларини мана шу мақсад учун бедор ўтказишади. Бу гапларим кимларгадир ғалати туюлар, лекин бу ҳаммаси ҳақиқат. Фикримизни бир жойга жамлаб ўйлаб кўрсак, ўзимиз ҳам амин бўламиз. Ёшлигида учувчи бўлишни орзу қилган бола ҳам, ҳарбий бўлишни орзу қилгани ҳам, шифокору директор бўлишни орзу қилгани ҳам, ўқитувчи бўлишнию шофёр бўлишни орзу қилгани ҳам ўзлари билмаган ҳолда бир мақсад учун интилади ва курашади. Охир-оқибат юрт тақдири, Ватан равнақи шу ёшларнинг қўлида қолади.

Келажакда вояга етган мана шу орзуманд болалар ўз касб-корига қараб боғбону деҳқон, миришкору ҳунарманд, амалдору донишманд, санъаткору табиб — ҳамма-ҳаммаси Ватан равнақи учун меҳнат қилишади. Қолган мақсадлар ва масалалар шу юксак мақсад атрофида ўз ечимини топиб бораверади.

Меҳрибон онажоним дейдики, “Болажоним, эсингдан чиқарма: сени элнинг корига ярасин деб туққанман, катта қилганман. Агар сен эл-юрт равнақига ҳиссангни қўшсанг, ўзлигингни топсанг, мен умримдан рози бўламан...”.

Онамнинг гапларидан фикрим тиниқлашиб бораверди. Кўз олдимга ҳар бир соҳа вакилларини келтириб кўрдим. Ва амин бўлдимки, ҳаммаси фақат ва фақат битта мақсад билан меҳнат қилишар экан: Ватан ривожига ҳисса қўшиш. Ўзимни босиб олдим ва юксак мақсад сари янада дадилроқ қадам ташлашни, мард инсон бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Момом тўқсонга қараб кетяпти, онам олтмиш остонасини ҳатлаган, мен йигирма еттидаман, қизим эса тўрт ёшга қадам қўйди. Ҳаёт, йил фасллари давом этаверади. Машҳур шоиримиз ёзганидек,

**Осойишта экан то шу юрт, шу чаман,**
**Ҳатто кипригингта қўнмайди гардлар.**

**Мардларни вояга етказди Ватан,**
**Демак, қўриқлайди Ватанни мардлар.**

**Абубакр ЎРОЗОВ**

---

# АМЕРИКАЛИК «ДАРВЕШ»НИНГ ОРЗУСИ

**Дадахон НУРИЙ**

Бўстонлиқдаги Ёзувчилар дала-боғида ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган адибларнинг анъанавий шахмат баҳона «Дийдорлашув гурунги»га Озод ака асос солганди. Навбатдаги тадбир «даврабоши»нинг аҳволи анча оғирлашган кунларга тўғри келган, бироқ домла кўпчилик ижодкорлар илҳақ бўлиб қолмасин, дея элдан бурун Бўстонлиққа етиб келди. Ҳатто ўзини бардам кўрсатиш учунми, ҳол-аҳвол сўраганларга:

— Амал ёмон бўларкан. Йилда бир марта қўлга тегадиган сизларни бошқариш имтиёзидан ажралиб қолмай деб дўхтирларнинг «ҳай-ҳайи»га ҳам қарамай келавердим, — дея ҳазил-мутойиба қилиб қўйди.

Ўша куни оқшомгача давом этган қизғин адабий гурунг, дилкаш суҳбатлар, шахмат мусобақаларига Озод аканинг ўзи бошқош бўлиб, қарийб икки юз ижодкор жамул-жам бўлган анжуманга файз киритди.

— Яхши бўлди! Вилоятлардан ҳам ижодкорларни чақириб зап иш қилган эканмиз. Кўплари билан мириқиб гурунглашиб олдим. Энди уларни кўраманми-йўқми, — деб қолди устоз Тошкент томон қайтарканмиз.

— Нега ундай дейсиз. Ҳали бу хил дийдорлашувларнинг кўпини ўтказиб берасиз — дедим.

— Одил бу сафарги гурунгимизга қатнашолмади-а?

— Қаттиқ бетоб эканлар, — дедим.

— Эртага бир кўриб қўйишимиз керак... Роналд-чи, Роналд? У «дареш»ни учратолмадингми?!

— Икки марта уйига бордим. Эшиги қулф. «Таклифнома»ни «почта» Қутисига ташлаб келгандим.

Бўстонлиқ «сафари» таъсир қилдими, устоз кечаси билан анча безовта бўлиб чиқди. Бунинг учун, албатта, даволовчи шифокордан «дакки» эшитдилар. Аммо одатдагидек бўш келганлари йўқ:

— Э, ука. Машойихлар кўлмак сувга ўхшаб ялпайиб ётавермай, иложи борича ҳаракатда бўл дейишган. Анаву, америкалик Роналд ҳам шуни қайтаргани-қайтарган...

Ўша куни кечга томон ёстиқдан бош кўтаролмай ётган Одил акани кўриб қайтар эканмиз, домла бирдан:

— Уловни Паркент бозори томон ҳайда. Роналднинг эшигини тақиллатиб кўрайлик-чи, нима бало, анчадан бери кўринмай кетди, — деб қолди.

Дарвозани тақиллатишга ҳожат қолмади: уч кун аввал ташлаб кетилган «Таклифнома»ни ҳеч ким олмаганди.

Устоз вафотларидан бир кун олдин яна Роналдни эслади.

Доктор болалари, набиралари олдига кеттан экан. Нохуш хабарни Америкада эшитиб, «таъзиянома» юборди. Кўп ўтмай устоз хонадонига кириб келганда кўзларидан тинимсиз ёш қуйилар, аёлининг юпатишлари ҳам кор қилмасди.

Хўш, Озод Шарафиддинов билан узоқ хорижлик Роналд Хонг исмли бу одамни бир-бирига боғлаб турган ришталар нимада?! Бунга жавобни домланинг «Довондаги ўйлар» китобидаги «Америкалик дарвешнинг саргузаштлари» номли эссесидан топиш мумкин. Биздаги “саргузаштлар”дан аввалроқ кечган “дарвеш” ҳаёти қуйидагича: Куриянинг Сеул шаҳридан юз чақиримча нарида жойлашган вилоятдан парламентга депутат этиб сайланган йирик сармоядор, эл орасида обрў-эътиборли жаноб оиласи бошига кутилмаган кулфат ёғилади. Кечагина 20 ёшини нишонлаган ёлғиз фарзанди автоҳалокатда ўнг оёғидан бутунлай ажралади. Йигит бир йил давомида кўрпа-тўшакка михланиб ётади. Шу давр ичида отанинг сочлари қордай оқариб, қадди букилади. Бир куни ўғлига шундай дейди:

— Мен бир оёғингни лаҳадга қўйган кунимоқ адою тамом бўлганман. Бундай аҳволда ётаверишингга энди бардош беролмасам керак, болам! Ўзингни қўлга ол. Бугундан бошлаб сени матонат майдонига йўлламоқчиман. Одам боласи фақат ирода, кураш билангина ҳар қандай мушкулотни енгиши мумкин. Ожиз бандаман, деб ҳаракатсиз ётавериш Худоға ҳам хуш келмайди... Сен энди яшаш учун фақат ҳаракат қилишинг керак. Бошқа илож йўқ! Менинг бойликларим ҳам сени бахтли қилолмайди. Бахтинг ўз қўлингда, иродаю тиришқоқлигингда. Американиклар Сеулга келиб, сенга ўхшаганларга ёрдам кўрсатишаёттанмиш. Ўша ерга ўз оёғинг билан борасан...

Ота амри — худо амри. Роналд ўнг оёғи ўрнини босувчи қўлтиқтаёқ билан хонадонни тарк этди. Каравотта михланиб ётавериб, рамақижон бўлиб қолган экан, 20-30 қадам ташлайди-ю, чарчаб, вужудини қора тер босади. Ўтириб дам олади. Яна йўлга тушади... Яхши одамлар унга кўмаклашиб юборишади. Шунда дунёда меҳр-оқибатли инсонлар бисёрлигига илк бор ишонч ҳосил қилди, у. Кун сайин қадам босиши енгиллашиб бораверди. Бир ой деганда Сеулга етиб келди. «Ногиронларга ёрдам маркази»ни ҳам осонгина топди. Йигит озиб-тўзиб, абгор ҳолга келганди. Уни ювиб-тараб, алоҳида хонага ётқизишди.

Марказ шифокорларининг гапларига қараганда, протез оёқнинг янги русуми ишлаб чиқилибди. Уни ўрнатишса ҳақиқий оёқ вазифасини ўтармиш... Кунларнинг бирида Роналд отаси билан орқасидан йиғлаб қолган онасини тушида кўрди. Отаси, «Не, яна ётиб олибсан-ку! Бунақада ҳеч қачон ҳаётда ўз ўрнингни тополмай, ўтиб кетасан», деб танбеҳ бера бошлади.. У уйғониб кетдию ўша кундан эътиборан «бекорчи хўжа» бўлиб ётаверишни бас қилди. Ўз хонасини тартибга келтирди. Стол-стулларни артди. Ҳатто анча қийналиб бўлса-да, полни ювадиган бўлди. Бора-бора ҳамшираларга ёрдамлаша бошлади. Унинг ҳаракатчанлиги марказ ходимларини бефарқ қолдирмас, раҳмат айтишар, бошқа ногиронларга Роналддан ўрнак олиш лозимлигини уқтиришарди.

Янги протез оёқ билан қийналмай юрадиган бўлиб, «синов»дан ҳам яхши ўтган Роналд марказда фаррош бўлиб ишлаш билан бирга шаҳарда янги очилган ногиронлар тиббий коллежига кириб ўқиди ва имтиёзли диплом билан у ерни битиргач, машҳур протезчи шифокор Тори ўқишни Америкада давом эттириш маслаҳатини берди.

Узоқ сафарга жўнашдан аввал падари бузруквори орзу қилганидек «шаҳдам қадамлар» билан унинг ҳузурига кириб келди.

— Айтганимни қилиб, кам бўлмабсан, сенга минг раҳмат, ўғлим, — деди отаси, — Яна шуни айтишим керакки, мендан сенга мерос бўлиб қоладиган ҳеч қандай бойлик йўқ. Бор сармоямизни вилоят марказидаги ногирон болалар учун мактаб қурилишига ўтказдим. Мен нимаики топган-тутган бўлсам ҳалол йўл билан орттирганман. Ҳалол пулни савоб ишга сарфлаш бизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган удумимиз. Энди ўғлим, сезиб турибман, сен бу тиришқоқлигинг билан кўп нарсага эришасан! Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб, синовдан ўтдинг. «Тани бошқа — дард билмас», дейдилар. Сенга ўхшаб ногиронлик дардини чекиб ётганлар бу дунёда қанчадан-қанча. Уларга қай даражада қийинлигини ўз бошингдан кечириб билдинг! Энди сенга айтадиган оталик насиҳатим шу: йўлингда учраган ҳар бир ночор, ногирон одамга ёрдам қўлини чўзишни бурч деб билгин. Дардмандларга ҳамдард бўл! Топганингни улардан аяма.

Роналд Хонг ортопедия бўйича Америка тиббиёт академиясини имтиёзли диплом билан битиргунича доктор Тори ўз тажрибалари асосида оёқ протезининг янгича, анча қулай русумини яратиб, оғизга тушиб улгурганди. Уни АҚШнинг Детройт, Мичиган университетлари қошидаги шифохоналарга ишга таклиф этишди. Тез орада соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари қаторида номи тилга олинадиган бўлди. Роналд отаси васиятини амалга ошириш мақсадида бир гуруҳ касбдошларини атрофига тўплаб, «Халқаро ногиронларга беғараз ёрдам кўрсатиш фонди» ташкил этди. Кўп ўтмай бу фонд NEW HOPE («Янги умид») номи билан «халқаро нодавлат ташкилот» деган мақомга эга бўлди.

Роналд бошлаган хайрли ишга беғараз ёрдам кўрсатиш истагида бўлган сармоядор кишилар, турли тизимдаги компаниялар сафи орта борди. Фондга аъзо бўлган ортопед шифокорлар нафақа ёшига етгач, дунёнинг исталган бурчига бориб, ёрдамга муҳтож ногиронлар учун бепул хизмат кўрсатишга тайёр эканликларини эълон қилдилар. (Ҳозир бундай хайрия фондлари Япония, Жанубий Курияда ҳам фаолият олиб боради, ер юзидаги ўнлаб давлатларда эса марказлари бор).

Доктор Х.Роналд ва унинг издоши доктор Л.Кван каттагина миқдорда нафақа пули билан «қарилик таътили»га чиқишгач, иккови номига Хитой, Россия, Афғонистон ва Қирғизистондан таклифномалар келди. Фонд таъсис комиссияси томонидан тасдиқланган дастур ва йўлланма билан Кван Хитойга, Роналд Россияга қараб жўнайди. Уларни Пекин ва Москвада ҳамкасблари кутиб олишади. Бироқ Роналднинг кўнгли нимадандир тўлмаётгандай эди. У ёшлигидан хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолган шарқона ҳаёт, шарқона турмуш тарзини кўриш иштиёқида эди. Рафиқаси ва қизига Ўрта Осиёни сайр қилдирмоқ учун Тошкентга чипта олдилар. Рафиқаси ва ўртанча қизи билан қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарларини зиёрат этишгач, Фарғона водийсини айланишди. Тошкентнинг сўлим боғ-хиёбонларини сайр қилишди. Қаерда бўлишмасин, худди аввалдан таниш меҳр-оқибатли кишилар ичида юргандай ҳис этишди ўзларини.

... Худди ўша кунларнинг бирида каминанинг телефони жиринглаб қолди:

— Сизни бир савобли иш юзасидан безовта қиляпмиз.

— Марҳамат, — дедим.

— Бўстонлиқни яхши биласиз... Қуйидаги адресда Турсунбой ота деган уруш қатнашчиси яшайди. Бир оёғи ногирон. Америкалик мутахассис шифокор учрашмоқчи. Ўша кишини топишга ёрдам берсангиз.

**Адиб ва жамият**

Хуллас, эртаси куни Бўстонлиқдаги ёзувчилар дала-боғимизда Турсунбой ота билан жаноб Роналднинг учрашуви бўлди.

— Нега қовоғингиз солиқ? Хотин хафа қилдими? — дея бирдан савол бериб қолди меҳмон Турсунбой отага шашт билан қараб.

— Э, сиздай одам мени йўқлаб келадию нега хафа бўлар эканман. Оёқ қургур, сал кўпроқ юрсам, манаву «араванинг гупчаги» оғирлик қиладими, оғрий бошлайди. Ўтган кун шаҳарда сиз мени тўхтатиб гапга солганда ҳам кайфиятим йўқроқ эди.

Меҳмон бошини сарак-сарак қилиб, ёнидаги жувонга ўгирилди:

— Ана кўрдингми хотин, мана шундай эркак билан яшаб келаётган бу ердаги аёлларга қойил қолмоқ керак.

Бу сўзлар ўзбекчага ўгирилгач, ўртада гур этиб, кулги кўтарилди. Турсунбой отанинг чеҳраси очилиб:

— Буларам ҳазилкаш бўлар экан-а! Ўша куни «ёғоч оёғим»га тикилавериб, менга «ёпишиб» олганидан ишпиён-мишпиён эмасмикан, деб хавфсираб қолгандим, — деди.

Меҳмон унинг елкасига қоқди:

— Бор экансиз-ку! Манаву оёғингиздаги ёғоч «гупчак»нинг ташвишини чекманг. Зўрига алмаштирамиз. Ёнида аравачаси ҳам бўлади.

— Бу айтганларингиз анча қиммат турса керак-а?

— Савобли иш арзон-гаровга қилинмайди. Шундан билаверингки, сиз учун ҳаммаси бепул.

Шу куни Роналд Турсунбой ота билан анча гурунг қилди. Отахон меҳмонга фронт хотираларини, оёқдан Белоруснинг қайси шаҳрида қандай «ажралгани»ни сўзлаб берди... Кейин унинг тизза кўзидан пастки ёғоч «оёғи» ечилиб, турли ўлчамларга солиб «андоза» олинди. Роналдга бу ишларни бажаришда хотини ёрдам бериб турди. Ён дафтарига чизгилар билан нималарнидир ёзиб олди. Сўнг Роналд Турсунбой отани сал наридан тиккалаб кеттан арчазор тоғ этагига бошлаб келди. Анчагина юқорида кўзга ташланиб турган баҳайбат ёнғоқ дарахтига ишора қилиб:

— Ҳов, ўша жойгача чиқа оласизми? — деб сўради.

Турсунбой ота ҳайрон:

— Мен тўғри йўлдан юролмайман-у, тоққа чиқишга бало борми! Меҳмонга тушунтиринглар! — деди отахон.

Бироқ меҳмон тушунмади, ўз айтганида туриб олди:

— Сиз қанақа тоғ одамисиз! Шундай ажойиб табиат, мусаффо ҳаводан бебаҳра бўлиб юравергандан кейин, албатта, оёқ мушаклари ишламай, анаву ёғоч «гупчак»дай қотиб қолади, арзимас нарсага чидаш бермай, оғрийверади... Менга қаранг, Сизга айтсам, манавундай ҳаракат қилиш керак, — деди-да, доктор эгнидаги костюмини ечиб хотинига берди. Атрофда ўралашиб юрган болалардан бирини олдига чақириб, елкасига ўтқазди ва эпчил ҳаракат билан ёнбағрликдан юқорилаб кета бошлади. Бўстонлиқ табиати ҳақида кўрсатув тайёрлаётган Ирисмат Абухолиқов бошчилигидаги телевидение ходимлари бу манзарани лентага тушира бошладилар... Ҳеч ким кутмаган ҳодиса меҳмон тоғ ёнбағридан қайтиб тушгандан кейин бўлди: у Турсунбой отага:

— Сиз ҳеч ўкинманг! Оёғингизни ярми бўлса ҳам бор. Меники эса... — деб шим почасини тўпиғичага кўтарганди, ҳамманинг кўзи майда мурватлар билан бир-бирига «уланган» протез оёққа тушди... Меҳмон ўша куни Турсунбой ота билан хайрлашаркан:

— Сизга аталгани меникидан зўр, механик равишда ҳаракатланадиган бўлади. Ана ундан кейин баланд тоғларга биргаликда чиқамиз. Фақат келгунимча ҳаракатни сусайтирманг. Бу сиз билан бизга жуда зарур. Кўришгунча! — деди.

Меҳмоннинг кўпчиликни ҳайратга солган «тоғ сайри» ҳақидаги лавҳа Тошкент телевидениеси орқали бир неча бор намойиш этилди. Доктор Роналдни Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига таклиф этишди ва «Қани энди кўчаларимизда шундай мардона юриб, ногиронларимиз кўнглини кўтарсангиз беҳад хурсанд бўлардик», дея истак билдиришди.

— Мен дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман, — деди меҳмон уларга жавобан. — Лекин ҳеч қаерда ўзбеклардай очиқ кўнгил, меҳмондўст халқни кўрмаганман. Очиғини айтсам, рафиқам, қизим билан юртингиз кишиларини севиб қолдик. Албатта, яна келиш ниятимиз бор.

Орадан ярим йил ҳам ўтмай доктор Роналд ўз сўзида туриб, Турсунбой ота учун ясалган протез «оёқ» ва ногиронлик аравачаси билан яна юртимизга ташриф буюрди. Эртасигаёқ Бўстонлиққа бордик. Бироқ биз кўришмоқчи бўлган отахон оламдан ўтган экан. Роналднинг ўша пайтдаги ҳолатини тасвирлашга ожизман: кун бўйи чеҳраси очилмади, туз ҳам тотмади.

Юртимизда Турсунбой отага ўхшаш кишилар қатори ҳомийлик ёрдамига муҳтож «Афғон ногиронлари» кўплиги ҳам Роналдни ўйлантириб қўйди. У Ўзбекистонда фонд марказини очишга қарор қилди.

Давоми олтинчи саҳифада.

Турсун АЛИ

# ҲАВОДА КЕЗАДИ ҚОР ҲИДИ



## ЁЛҒИЗ ОДАМ

1

Еришаётган кун,
шубҳасиз,
бахт келтирар менга.
Ахир
туннинг узун йўлагида тик
сен ҳақингда узоқ ўйладим.
Шояд...

2

Ярим тунда,
уйғоқ одам,
хаёллар сўради
тундан-да узун
Ойдан-да ёруғ.
Ярим тунда
уйғоқ одам
чироқни ўчирар,
ёқар чироқни.
Уйғоқ одам
яна шошиб
чироқни ўчирар.
Ойга эса
етмайди қўли.

3

Ботаётган кунга қарайман,
қайдам, кўз тикаётган
бир мен эмас-ку?
Эҳ-ҳе,
қанча кўзлар
ботаётган кунга
боқар умидвор...

4

Дарё,
оғушингда бир дам
тин олсам.
Балки ёшарарди вужудим,
ёшарарди қадим Дунё ҳам.

5

Боғ қўйнида ёлғиз мен,
овозим ҳам ёлғиз.
Балки,
узоқларда
Сен ҳам
рангин хаёллар сурасан, ёлғиз.

6

Туни билан
боғ бўйлаб,
қора шамол эсди
сармаст.
Тонгда
сарвқомат дарахт солланар
сочлари тўзғоқ.

7

Дарахтзор қўйнини
кекса қуёш тарк этди.
Қушлар дарахтлар елкасига
мавжланиб-мавжланиб қўнар.
Кеча эса
қировли,
салқин нақадар...

8

Ўрик шохида занглаган ўроқ,
уни
кимдир эсдан чиқарган чоғи?
Қайдам,
ёз келишин кутар ўроқчи.

9

Дарахт пойида ўлтирдим сокин,
сершох дарахт ҳам жим,
мен ҳам жим.
Ўртада сукунат
палак отди узун.

10

Сукунат,
оғушингга чорлама мени.
Ишон,
кўксимдаги асов тулпор
манзил сари
ҳали узоқ елади.

11

Арикчада билакдек сув оқарди,
майсалар тингларди наволарини.
Оқиб кетолмаган хазонларга боқиб,
кўзларимдан ёш сизади жимгина.
Ҳеч ким кўрмаган йиғиларимдан бири.

* * *

Қиш...
Жуда озғин "қирриқ" қор
Анҳор соҳилида
эй кўзлари баҳор
изларинг изидан юраман ёлғиз.
Менинг синиқ туйғуларим каби о,
анҳор ҳам оқмоқда товуши синиқ.
Дока янглиғ қор оғушида
дардларимдай сочилган ҳар ён —
синиққан япроқлар ётар мунғайган куйи.
Синиқ майсаларнинг бағрини босган,
ялтироқ мармардай қор зарралари.
Менинг синиқ қадамимдан эса
адашган куйдай таралар бетин
қуёшли кунларнинг ўктам овози.

* * *

Тун ямоғин тикар шошила
бир-бир кўз юмаётган
узоқ-яқин чироқлар.

* * *

Хиралашиб бораётган чўғларни
юрагимга қалади осмон.
Энди ёниб кетмасми Дунё.

* * *

Ҳавода кезади қор ҳиди,
сокин ухлаётган боғни
чўчитиб юборди Руҳим садоси.

## ВАҚТ ТОМИРЛАРИ

Юрагимга урилар бирдан
чароғон овозинг жарангдор саси.

* * *

Қуйилар дилимга дарё мисоли
сен айтмаган сўзлар тошқини.

* * *

Қиров тушган далалар ястанган қуйи
қаҳратон қўйнига кирар қиқирлаб.

* * *

Роса вазмин анави одам,
ҳавода қуш каби юради учиб.

* * *

Эски аравадай ўтади кунлар
йилга сиғмай қолган олмалар билан.

* * *

Тераклар учида ухлаган шамолни
уйғотади қушчалар қанотлари шўх.

* * *

Лаҳза сайин вақт
томирлари узилар чирт-чирт.

* * *

Китоблар ухламас, ухламас сира...

* * *

Оппоқ қор шуъласига чайдим юзимни...

* * *

Ёлғиз қушча сайрайди баланд.

* * *

Узоқ ухлолмай, бир сўзни
қидирдим тонгтача сарсон.

Николай ИЛЬИН

# ТАЪРИФИГА СЎЗ ЙЎҚ, ШАҲРИМ ФУСУНКОР



## ТОШКЕНТ

Таърифига сўз йўқ, шаҳрим фусункор,
Улкан, салобатли, кўҳна, фаровон.
Сўзлар қидираман рангдор, жилодор
Тошкент тасвирини чизмоқ-чун равон.

Қуюқ шох-шаббали, шиддатли пойтахт
Тинглар хотиротнинг олис сасини.
Бутоқларда вазмин оқаётган вақт
Варақлайди ўтмиш саҳифасини.

Тикиламан дўстлар сувратига жим,
Жондай яқинларим, ёшу қарига.
Ловиллаган июл ҳарорати лим,
Деразадан боққан бари-барига.

Майин сояларни оралаб, бир зум
Боғинг, япроқларга кулгу югурди.
Ўзинг паноҳимсан, Шош, шаҳри азим,
Таъзим айлаб, гардинг кўзимга сурдим.

## ОҚШОМ

Нақадар мафтункор, сокин, майин тун
Юлдуз шуъласида, ҳилол нурида.
Қорачиқларингда кўк тиниқ, беун
Чексизлик порлайди кўнгил сирида.

Тилсиз тушлар оқиб кетар тонг чоғи,
Ойнинг нурларида ўйнайди сабо.
Олтин жилоларга тўлиб қучоғи
Тўлқинланар ажиб оқшомда наво.

## ФАВВОРА

Салқин ҳаво инар гуллар баргига,
Кулгуси туйғумда очилади барқ.
Камалакли кўкни босиб бағрига,
Сувнинг жилосига ҳамон мафтун Шарқ.

Осмон чамбараги аро уста нур
Ўтказди игнадан сўз сайқалида.
Фаввора тебранар, ҳаволанар ҳур
Рақсга тушаётган сув ҳайкалидай.

## БАҲОР СОҒИНЧИ

Сочилиб кетади қарағай тонгда,
Қиш шамоли силкир — шохлар музлаган.
Кулбадаги кекса чолни излаган
Каби эшик қоқар баҳор шу тонгдан.

Қўшиқ терар бахши бобога ўхшаб
Юрагимга тоза туғён битгали,
Ўрмонга йўл олдим таъзим этгали,
Кулранг — оқ видолар ўтди гул тўшаб.

Ташрифим сезганми, кутганми кўклам,
Кезаман намиққан ҳаво оралаб.
Чайир ва бақувват новда саралаб,
Ҳасса чамалайман ўзимга бу дам.

Ким мени кўришга улгурди? Хайр
Демасман, бошимни қўяман ирғаб.
Эриётган майин қорларни илғаб,
Баҳор нафасида юмшайди бағир.

*Рус тилидан*
*Ойгул Суюндиқова таржимаси*

Улуғбек ҲАМДАМ

# УНУТИЛГАН НАЙ НАВОСИ

*Ҳикоя*



*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,*
*Айриликлардан шикоят айлагай.*

**Мавлоно РУМИЙ**

Олис-олисларда чалинган ҳазин най саси ниҳоят яқинлашиб, шундоқ қулоқлари остида янграганда Алишер чўчиб уйғонди. Уйғондию негадир бу сафар най садоси уйқуси билан бирга ўчмади: аксинча, эндигина у кўз очган хобхонани, даҳлиз ва йўлакни, ҳатто ташқарини, борингки, бутун оламни тўлдириб чалинди, чалинаверди. Алишернинг кўнгли суст кетиб, хотирасига болалиги... раҳматли бобосию момоси, эски, кунгай девори нураган, томи лойсувоқ уйлари қалқиб чиқди. Туғилиб ўсган кўчасини, отасию онасини, раҳматли акасини, укаларию жўраларини қўмсаб ичига аллатовур титроқ кирди. Қани энди шартта жомадонини қўлига олсаю ҳайё ҳуйт дея хешу таборнинг қошига қайтса, қайта олса... Бироқ борган билан нима, уларнинг қайбирлари ҳаёт, қайбирлари йўқ энди... Юртга дўниш билан болалигию унга тегишли ҳууув сеҳрли оламни ҳам қайтариб бўлсайди...

Алишернинг ўпкаси тўлди, ич-ичидан аламли хўрсиниқ отилиб чиқдию зум ўтмай унсиз йиғига, йиғи эса зўр ичикишга айланди...

— Что с тобой? — хотини ажабланиб қаради.

— ...

— Ну, что случилось-то?.. — аёл ўрнидан туриб, каровот четида деразадан ташқарига — шовурли кўчага ғарибона кўз тикиб ўтирган эрининг қошига борди.

— Постой, не шуми... Слишишь? — деди қучоғини очиб аёлини бағрига олмоққа тутинган Алишер

— Чего слишить-то, уличный шум что-ли? — росмана ҳайрон бўлди рафиқаси.

— Чего-чего, най!.. Как это по русски было, а-га, флейта кажется, флейта играет узбекский... — кўзларидан оқиб тушаётган шашқатор ёшларни артиб олди Алишер.

Хотин бу гал индамади, эрига синч ила қараб ўтирди-ўтирди-да, нималарнидир ҳис қилганнамо салмоқли қўзғалди, ошхонага ўтиб бир стакан сув келтирди.

— Пей, легче станет...

Алишер хотинининг танбеҳларига қулоқ осмай, нонушта ҳам қилмасдан малул ва забун бир алфозда кийиниб ташқарига чиқди. Ахир, ичкарида ҳалиги най навоси бардавом янграб турган бўлса, қандай қилиб томоғидан луқма ўтсин? Ё наво ё ғизо-да! Иккаласини бирданига, бир пайтнинг ўзида ҳазм қиладиган зот... валлоҳу алам, қандай жинс экан? Аммо унинг инс бўлиши даргумон...

Москва кўчалари кўча эмас, нақ гавжум шарқ бозорлари денг — на олдинга юриб бўлади, на қўл силтаб орқага сурвориш. Ихтиёрингни тамомила автолар оқимига топширмоқдан ўзга чоранг қолмайди. Кирмоқда ташаббус қўлларингда бўлару тарк этмоқда асло. Жавониб турли-туман русум, ҳажм ва тусдаги замонавий аробалару улардан таралаётган баланд-паст товушларга тўлиб кетган. Шунда Алишер ботинида субҳи содиқдан бери тинимсиз чалинаётган най навосининг қаёққадир ғойиб бўлганини сезиб қолди. Ажабланиб, юрагини тинглади: шаҳарнинг бадга уриб кетган ҳиссиз гувиллаши эшитилгандек бўлди... "Тав-ба-а-а," деди чўзиб...

Лоф эмас, бир ошни пишириб егулик фурсатда Алишер ишхонасига дилтанг бўлиб кириб келди. "Яёв юрсамам шунчалар вақт кетар-оов..." деб қўйди у машинани офис биноси тумшуғига тираб тўхтатаркан...

Кечгача қоғозларга кўмилиб, котибасига аччиқ-аччиқ қаҳва дамлатиб ичиб, босим ўтириб ишлади... Бир маҳал, ходимлари хайрлашиб чиқишаётган палладагина юмушдан бош кўтарди ва кун қайтиб, шом тушганини, қорнининг бўлса пўстак бўпкетганини ҳис қилди. Ҳамма уйига ошиқаётган тиғиз пайт бўлгани боис тирбанд йўлни ўйлаб гўшакни олди, котибани чақириб, унга ҳар доимгидек овқат буюришини тайинлаб, "потом можешь идти" деди-да, диванга ясланганча телевизор тугмасини эзди. "Хабарлар"дан юраги торқиб, каналларни айлантиришга тушди. Ниҳоят, "National geografice" да тўхтади. Ҳайвонлар шоҳи — шерлар ҳаётидан лавҳалар кўрсатилаётган экан. Айниқса бир нар арслоннинг аччиқ қисмати Алишернинг эътиборини жалб қилди. Унинг тўшидан қуйироқ - чап оёғининг бошланиш қисми йиртилиб, чак-чак қон оқар-да, бояқиш йўлида тўхтаб-тўхтаб дамодам ярали бағрини ялар, сўнг яна чор-ночор одимларди. "Нима жин урдийкан буни?" хаёлидан кечди Алишернинг. "Биронта ўзига ўхшаган билан майдон ёки лахтак гўшт талашдимикан... Дарбадарлигининг сабаби мода шерми ё..."

"Шербаччалар ўсиб улғайиб вояга етгач, ўз тақдирига юзма-юз бўлиш учун ота-онасининг қароргоҳини тарк этиб чиқиб кетишади, — дея гап бошлаб қолди шарҳловчи. — Булар ҳам худди ота-оналари каби ўзларига тайинли қўнимгоҳ қидириб борадилар. Тақдир насиб, шундай саодатга эришсалар, ўзларига ватан тутган маконларию жуфтларини жонларини жабборга бериб қўриқлашади. Агар бундай масканни барпо этишолмаса ва ёхуд уни жангда бой беришса, тағин якка-ёлғиз қолишади. Ёш, бақувват чоғларида улар боз ўз гўшаларига қайтиб, йўқотилган мавкеларини қўлга киритишга ва ёхуд бошқа жуфт топиб, янги маснад барпо этишга уринадилар. Кексайиб, кучдан қолганларида эса, афсуски, на униси ва на бунисига муяссар бўлишади. Бундай сўққабошларни кўпинча бехайр тақдир кутиб туради..."

Арслон саваннанинг бепоён кенгликларида бесамар юра-юра ахийри ҳолдан тойди чоғи, қулайроқ жой топиб аста ёнбошлади. Сувсизликдан, чарчоқдан бўлса керак, харсиллаганча тез-тез нафас оларди. Дам ўтмай у пахмоқ бошини эгиб, қонли ярасини ялади, сўнг атрофга олазарак боқди. Ҳайвон-да, сезган кўринади: нарироқда ғингшув ва чийиллаш ўртасида аллақандай товуш чиқарганча сиртлонлар галаси мўлтираб туришарди. "Афтидан сиртлонлар шернинг ўмганидан силқиётган қон ҳидини олишган кўринади" дея изоҳ берди шарҳловчи.

Сиртлонларнинг олд қатордагилари макказор ичидан эндигина чиқиб келган ҳервайган кучуклардек қулоқларини динг қилганча арслонга қизиқиш ила серрайиб қараб туришарди. Шер аввалига пинагини бузмади, ҳатто жавобан ташрифчиларнинг юракларига қўрқув солароқ қисқа наъра ҳам тортди. Лекин сиртлонлар бир гала эди: тўда енгил бир қўзғалиб қўйдию тирақайлаб қочиб кетмади. Бир пас ўтиб эса ярадор шер пажмурда ҳолини, ёлғизлигини эслаб қолдими, ўзи туриб ҳафсаласиз одимлади... ҳар на, балодан узоқ...

Эртасига анча ўзига келиб қолган оч арслон сув бўйида ташналигини қондириш учун пайдо бўлган антилопалар подасига ҳужум қилди ва кичикроқ, нимжонроқ кийикни тутиб олди. Алҳол, сайёд сайднинг юмшоқ бўғзига ўткир, бақувват тишларини ботирганча қимир этмай кутди, сўнг танани жон тарк этиши ҳамон бўшатиб, қаддини тиклади. Йиртқич жон ҳолатда чопганидан тили нақ бир қарич осилиб ютоқиб нафас олар, шу баробари теграсига хавфсираб қарарди. Нафасини ростлаб, тин олволгач, кийик лошини тишлаб панароқ жойга судраб кетди ва шу аснода изига тушган кечаги сиртлонлар тўдасини пайқаб, ортига ўгирилиб ириллади. Сиртлонларнинг пешқадамлари андак ҳаликсирагандек, илкис тўхтаб, ўзларини у ён-бу ёнга ташлаб тайсаллашдию хиёл ўтмай яна тўп бўлиб, бир-биридан юрак ва қувват олиб илгари босишди. Арслон кўрдики, улардан ўлжани олиб узоққа бориб бўлмайди, инчунун, "ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир" суллоҳ ғанимларига ҳамла қилди. Сиртлонлар галаси тирқираб қочишга қочдию, лекин олислаб кетмади, яна сурбетларча, энди ҳар томондан мўр-малахдай ёпирилишди. Шеър наъра тортиб тағин ҳамла қилди, шунда бошқа ёқдан пусиб ёвуқлашаётган сиртлонлар ўлжага ёпишишди... Алқисса, арслон вазиятни бошқара олмай ожиз қолди: антилопа қони таъмини туйган сиртлонлар энди шернинг ўзига тап тортмай човут солишга журъат этишарди...

"... орадан бир неча кун ўтди. Жаноб арслоннинг аҳволи эса анча хароб кўринади. Сиртлонлар орасидан омон чиқишга чиқдию, лекин аввалги битта жароҳати ўн бўлган ҳайвонлар шоҳи энди оёғини аранг судрамоқда. Ўз гўшасидан, яқинларидан, ҳимоячиларидан айрилган, устига устак, очлик ва жароҳатлардан силласи қуриган абгор шернинг бундан кейинги қисмати янада аянчли кечиши шак-шубҳасиз..." деб бидилларди шарҳловчи...

Алишернинг ҳайвонга раҳми келди, кўрсатувнинг давомини кўришга юраги дов бермай телевизорни ўчириб қўйишни истаб турганди, эшик тақиллаб, остонада "Ваш заказ" деганча ҳамишаги мутавозе гарсон йигит ҳозиру нозир бўлди...

— Поставь на стол, — дедию ўрнидан оғир қўзғалди Алишер ва беихтиёр равишда бармоғи билан пультни босиб юборди. Экранда мусиқа канали пайдо бўлди ва не ажабки, унда най садоси янграр, най чолғусининг ўзи ҳам турли ракурслардан намойиш этиларди. Алишер тап этиб ўрнига чўкди, қўли билан эса лаганбардорга "эшикни ёп" ишорасини берди.

Бу ўша куй эди, ҳа!..

"Во дариғ, бу нимаси? — тилига бодроқдек тошди саволлар Алишернинг. — Мен билан ким беркинмачоқ ўйнаяпти, ким? Нега яна най? Тағин тушимдаги нағмаси билан? Бунинг сирру синоати недир?.."

Кўп ўтмай Алишернинг ўзига ўзи бераётган сўроқлари тинди. Тинди, чунки, юраги найдан таралаётган дилўртар, ҳазину соҳир мусиқа таъсирида эриб сув-сув бўлган, хаёлида яна деворлари қор-ёмғиру жазирадан нураган пастқам кўҳна уй, унинг атрофида офтобшувоқда ҳар-хил юмушлар билан куймаланиб юрган бобосию момоси, отасию онаси, акасию укалари...нинг мукаррам сиймолари гавдаланди. Най навоси жуда узоқ янградими, бу куй умри давомида Алишер ўзи босиб ўтган, шу кунгача ва шу ергача бўлган бутун ҳаётини хотирлаб улгурди. Қўй боқиб, болалик дўстлари билан қувлашмачоқ ўйнаб чопган беғубор, бегидир кезларидан тортиб, мактабга, биринчи синфга боргандаги туйғулар, илк бора қўшни қизга севгисини мактуб орқали изҳор айлагандаги унутилмас кечинмалар ҳам ташриф буюрди унинг шу ондаги ҳолу руҳиясига. Кейин талабаликнинг олтин дамлари, қўшни қизга... ўша маҳбубага уйланганини, зум ўтмай эса аскарлик сафига чақирилгани ва... мана шу "ва"дан сўнг Алишернинг ҳаётида туб бурилиш содир бўлгани... Ҳа-да, хизматдан қайтиб келгач, не қулоқлари билан эшитсинки, севгани ўша ойжамол бошқа бир йигит билан гап-сўз бўлиб турибди-да. Орият ғолиб, хотинига бир сўз ҳам демай, шартта уйдан чиққан-кетган. Тақдир шамоли, — энди кўринг, — бизнинг қаҳрамонни қайларга келтириб ташлабди. У кун билан бу кун орасидан, ўх-хўў, қанчадан қанча аччиқ-чучук сувлар оқиб ўтмади, дейсиз. Аммо-лекин нега яна шуларни ўйлаб қолди экан у, — ўзи ҳам билмай турибди Алишернинг. "Елкамнинг чуқури кўрсин бу сотқин қишлоқни!", деб қасам ичиб кетганини унутдими ё?..

Йигитнинг ризқи кўчада бўларкан, ўқишини Москвада давом эттирди, таълим поёнига етгач эса мегаполисда қолди, тиришқоқлигидан йўллари ҳам секин-аста очила борди. Энди қарасангиз, завқингиз келади, кечагина чекка бир қишлоқда қўй-мол боқиб, шими тушиб юрган ўспирин бугун курраи заминнинг энг улкан шаҳарларидан бирида каттакон идора раҳбари. Насоро бўлсаям ўттиз йиллик турмуш ўртоғи билан икки фарзандни вояга етказишиб учирма қилишди. Айтаверсак гап кўп. Алқовларимиз шу даражада сарбаландки, оққўнгилларнинг ҳаваси, қоракўнгилларнинг ҳасади келади-я... Фақат... фақат шу най балоси қайдан чиқиб қолди?.. Чиққани бир гўр, нега у Алишернинг ботинида ҳадеб чалингани чалинган? Нима учун у чалинганда Алишернинг бутун ўтмиши, туғилиб ўсган юрти, ўша ернинг яхши-ёмон, катта-кичик одамлари ёдига қалқиб чиқаверади, чиқаверади? Яна ўшаларни қўмсаб, соғиниб ичикканига ўласанми...

Бир маҳал эшик енгил тиқиллаб, қия очилди ва бояги хизматкор йигитнинг сермулозамат чеҳраси кўринди. Аммо у стол устида қўл урилмаган овқатга кўзи тушгач, бир зум довдираб турди.

— Мне попозже подойти, да?

— А-а! — хитоб қилиб юборди чўчиб ҳушига келган Алишер — Да, нет, сынок, можешь забрать еду, что-то аппетит пропал. Сколько с меня? — ёнини кавлади Алишер.

Гарсон билан ҳисоб-китоб қилгач, эзгин бир ҳолатда ўрнига чўкиб, бошқа нарсаларни кўрсатишга ўтган ТВ га дам берди-да, кўзларини юмди. Фақат... фақат куй унинг ботинида янграшда давом этаверди...

Алламаҳалда қўл телефони асабий жиринглаб сапчиб туриб кетди.

— Алло! Привет. Где носишся? С тобой все в порядке? — рафиқасининг ташвишли овози келди.

— Привет... — сўнг бир пас сассиз қолди Алишер — Извини, сейчась приеду. Вздремнул наверно...

* * *

Шу-шу Алишернинг хаёли қочди. Юрсатурса, ухласа-уйғонса... ич-ичида ҳеч тинмас най навосини эшитадиган, унинг жўрлигида болалигига, ташлаб чиқиб кетган юртига, у ерда қолдириб келган қариндош уруғига, дўстларига талпинадиган бўлди. Еб-ичишидан, туриш-турмушидан, иш-кучидан маза-матра қочди...

Ўйлай-ўйлай мегаполисдаги юртдошларининг доимо тўпланиб турадиган ресторанига йўл солди. Ҳамюртларининг тандирдан энди узилган нондек иссиқ, тансиқ чеҳрасини кўрса — диллашсаю, зора кўзига най қиёфасида кўрина бошлаган инсжинсларнинг ҳужумидан халос бўла қолса....

Уч-тўрттаси бурчакда тўпланиб олиб тош ташлашиб ўтиришган экан. Ораларига суқилиб кирди. Ўз она тилида кўнгиллашмоққа уринди. Негадир гаплари қовушмади. "Ты наверно очень устал, давай в баню сходим, там отдохнешь как следует" дейишди пировард натижада миллатдошлари мурувватона. Алишер бир пас ўтириб у ердан ҳам хомушу афтода бир кўйда чиқди. Назарида бу улкан шаҳардаги миллатдошу юртдошларнинг ҳаммаси, худди ўзи каби ёғи адо бўлаётган пиликдек тутаб боришаётганди. Чунки ўзларидан кейин... тамом - нуқта. Фарзандлари - бошқа олам, бошқа одамлар! Улар шу тупроқнинг фуқаролари, тилидан тортиб руҳигача...

Балки...

Ҳа, Алишер ниҳоят енгилди — кўнглига ён берди... Учоққа билет олдию Ўзбекистонга учди. Ботинда чалина бошлаган най навоси уни Ватанга бошлаб кетди...

* * *

Укасининг уйига тушди. Ҳа, энди бу уй инисига қарайди. Кўп аввал ҳаммалариники эди. Роса умргузаронлик қилган бувасию бувисидан ўн йиллар ўтиб, бирин-сирин ота-онаси ҳам дорилбақога риҳлат қилишганди. Охирги марта Алишер ўшанда, маросимларда келганди. Шундан бери йиллар турна қаторларидек кўк юзини тўлдириб учишди, учишаверди...

Ташрифидан укасининг боши осмонга етгани офтобда куйган қорамағиз юз ифодаларидан, ҳис-ҳаяжонга, меҳрга тўла жондек азиз сўзларидан шундоқ билиниб турса-да, келиннинг сира очила қолмаган қовоқ-тумшуғи Алишернинг таъбини хира торттирди. Келган куни уни кўргани кирган узоқ-яқин қариндош-уруғу қўни-қўшни билан ранг кўриб, ҳол сўрашди, эртасига эртамандан атроф-теваракни айлангани пиёда жўнаворди.

Аввалига ўзи ўсиб улғайган кўчани у бошидан бунисига гўё болалигини қидирган каби бир неча марта бориб келди: йўқ, бу кўчани унинг тамизи таниди, холос, кўзлари, ҳислари эмас. Кўча бутунлай ўзгариб кетган, бегона уйлар, бегона чироқ устунлари, бегона дарахтлар... қўйингки, унинг қаршисидаги манзара тамомила ёт эди. Ҳатто рўпарасидан чиқиб, унга "нотаниш одам нима қилиб юрибди бунда?" дегандек аллатовур қараб, саломни канда қилиб ўтаётган ёш-яланглар ҳам бегона эди. Хаёлида болалиги жонланди: тупроқ йўлда тўп тепишаётганда ёхуд у ёқдан бу ёққа турфа юмушлар билан чопиб юришганда катталарга дуч келинса, бир қўлларини кўкраккача кўтариб, "Ассалому алайкууум!" дея чўзинчоқ такаллуф ила сўрашишар эди-ку! Қаёққа кетди ўша одамлар? Қирғийқараш қилиб, Алишернинг юзига безбетларча тикилиб ўтиб кетаётганлар ўша сермулозамат авлоднинг жужуқларими?..

Алишер буларни хаёлидан ўтказди, холос, юрагидан эмас. Зеро, совуқ Москвнинг бети қалин фуқаросига бу ердаги илмилиқнинг таъсири чикора...

Алишер шу кўйи анчагача кезинибтўзди-да, беихтиёр йўлни сувбўйига бурди. Далалар оралаб бир муддат кезингач, манзилга дориди. Воҳ, қишлоқдаги ўзгаришлар ҳолва экан: сув қани? Унинг икки бўйида хатосиз қатор ўсган гур толлар-чи?.. Толлар-ку кесилиб кетибди, лекин маҳобатли каналнинг ўзи ҳам бутунлай бошқа манзара касб этибди: унинг бетидаги ўт-ўлану юлғун-янтоқлар қирилиб, устига силлиқ қилиб бетон ётқизилибди. Энди каналнинг ҳамма жойи бир хил! Сув ҳам ўзаннинг тагида шилдираб оқиб турибди...

Алишер "оёқнинг чигалини ёзиш"дан қайтганида шом туша бошлаганди. Далайўлдан маҳаллага киришда, тўрт кўча кесишган чорраҳа бор эди, шунинг кунжагидаги чойхона гавжум — кўзи тушиб бир энтикди Алишер ва шу ёққа аста одимлади.

— Э-э-э, кесинла, кесинла! — уч-тўрт киши қўзғалиб қучоқ очишди. Кўпчилик эса нотаниш киши билан илк дафъа кўришаётгандек анчайин бепарво қўл чўзишди.

— Қайси шамоллар учирди, домдараксиз йўқ бўпкетувдинг-ку? — сўради Алишер билан битта мактабда, икки синф юқорида ўқиган, ўша пайтларда қўшни бўлган миқти, шопмўйлов одам. Алишер шунча тиришиб ҳам унинг исмини эслай олмади. — Ё от айланиб, қариб-чуриганда қозиғини излаб келдими, ҳа-ҳа ҳа!.. — қаҳқаҳа урди миқти шопмўйлов. — Вей, нега лом-мим демайсан, ўзи ўзбекчадан қолганми ё ўрисча сўйлайликми, воҳ-ҳа-ҳа!.. — мўйлов ҳам гапирар, ҳам кулар ҳамда Алишерни етаклаб чойхона ичига, даврага бошлаб борарди... — шунча вақтдан кейин қишлоқни адашмай топиб келганингга қойилман, ҳа-ҳа-ҳа!..

Алишер гулдаврада алла-паллага довур очилиб-сочилиб ўтирди. Лекин орада анча-мунча аччиқ-тиззиқ гап-сўзлар ҳам бўлиб ўтдики, бундан Алишернинг кайфияти тушди. Нима эмиш, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйилмасмиш. Ҳа, қурмағур ҳамқишлоқлари Алишернинг қўлига гугурт тутқазиб қўйишди. Бир пасдан сўнг қаловини топиб, уни хиёнатда, қишлоққа, юртга хиёнатда айблашди. "Тавба, — деди ўзига ўзи Алишер — аслида, ўзлари мени сотишди-ку!.." Давра ширакайф эди, шунинг учун Алишер бу гапларни юрагига яқин олмасликка уринди. Қолаверса, бу қачонги гаплару, эҳ-ҳе!..

Икки кунда кўрган-кечирганлари Алишерни кўп мутаассир этди. Аммо қалбига қулоқ тутганда, недир фурсатдан бери ичида тинимсиз чалинаётган най саси қаёққадир ғойиб бўлиб, ўрнида ғаройиб бир фароғат осудаликка чулғаниб жимирлаб ётганини сезди. "Худога шукур" деди қониқиш билан пичирлаб...

Кечаси алламаҳалда Алишер бошқаларга билдирмай, ими-жимида биттагина иниси билан аэропортга чиқди.

Бағирлашиб хайрлашишаркан:

— Бир ҳафта тураман дегандингиз? — номанзур иш қилиб қўйгандек хижолат чекиб сўради жигаргўшаси.

— Идорадан сўраб қолишди дедим-ку, укажон, — чинни яширди Алишер. Лекин беркитилган чин нимадан иборат эканлигини ўзи ҳам тузукроқ фаҳмлай олмасди. Ҳар ҳолда келиннинг бадқовоқ суратига ёхуд айрим турикқсиз ҳамқишлоқларининг баланд-паст гап-сўзларига қараб қолган одаммас-ку у! Хоҳласа, олисроқдан — туман марказидаги меҳмонхонадан шартта жой оларди қўярди-да...

Самолётга ўтириш бошланганда ҳам Алишернинг хаёлида шошиб кетишининг асл сабабига йўналган тахминлар чарх урарди. Уришга урардию, ҳеч бирида қўним топмасди.

Ниҳоят, учоқ ҳавога кўтарилганда Алишернинг юраги енгил ҳапқирди. Чуқур-чуқур нафас олишга тиришди, кўзларини юмди. Юмдию уларнинг ичидан — зулмат қаъридан ёришиб найнинг сеҳрати пайдо бўлди. Шу ҳамоно ботинида куй янгради!..

Алишер бир зум довдираб қолди, шошиб қовоқларини очди. Юраги орзиқиб, орқага тортди. Куй эса тобора авжлана берди. Шунда... шунда Алишер ғайришуурий равишда кўнглига бўйсиндию учоқ дарчасидан пастга қаради: во ажаб! Ортда, ҳууув пастликда қолган, милион-милион чироқларга бурканган шаҳар ва қишлоқлар узун машъаладек товланиб ётар ҳамда у самолётнинг тобора юқорига ўрлаши баробарида эшилиб, найга, ҳа-ҳа, айнан найнинг қиёфасига айланиб борарди...

Алишер ўз ботинида чалинаётган навонинг қайдан келаётганини ниҳоят топган, ҳайратдан тошдек қотганди... Фақат... фақат вужудини кўтариб бегона юртга учиб кетаётган темир қушга кўнгил нидосини — "тўхта, тушиб қолайин!" деган кучли истакни демас, деёлмасди...

Бошланиши биринчи саҳифада.

**— Ансамбл таркиби ва репертуари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Жамоамиз ҳарбийлар ва Қуролли Кучлар ишчи-хизматчиларидан ташкил топган. Шуниси қувончлики, сафимизда Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов, хизмат кўрсатган артистлар Лола Аҳмедова, Марат Ҳакимов, Камолиддин Раҳматов каби хонандалар, бош балетмейстер, республикада хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадраҳимова каби жонкуяр инсонлар фаолият кўрсатади. Асосий вазифамиз ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларнинг кўпайиши ва оммалашишига ҳисса қўшиш ҳамда ҳарбийлар ва халқимиз орасида жанговор, миллий қўшиқ ва рақсларни тарғиб қилишдан иборат.

Аскарларнинг руҳини кўтариш, жанговор шайлигини ошириш мақсадида ҳарбий қисмларда концертлар берамиз. Шунингдек, ансамбл Мустақиллик ва Наврўз байрамларининг, давлат миқёсидаги бошқа тадбирларнинг ҳарбий блоки чиқишларида фаол қатнашиб келади. Ансамблимизнинг барча таркибий қисмлари Ўзбекистон Қуролли Кучларининг маънавий қиёфасини ўзида мужассам этгани билан фахрланамиз.

Репертуаримизда "Она юрт", "Жон Ўзбекистон", "Шу Ватан", "Менинг армиям", "Тинчлик қўшиғи", "Биз ҳеч кимга Ватанни бермаймиз", "Халқнинг қалқонимиз", "Ягонамсан, Ватан" каби ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларимиз аскарларнинг саф қўшиқларига айланиб кетган. Бундай қўшиқларни яратишимизда Анвар Обиджон, Искандар Раҳмон, Иқбол Мирзо, Бобур Бобомурод, Аҳад Қаюм, Дониёр Мирзо, Наргиз, Иброҳим Жиянов каби шоирлар, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Анор Назаров каби композиторлар, бастакор Мусахон Нурматов яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Жанговор қўшиқлардан ташқари, ўзбек мумтоз ва халқ ашулаларини, кўплаб лирик қўшиқларни ҳам ижро этамиз. Ансамблимиз рақкосаларининг ҳар бир қўшиқ мазмунига мос рақслари чиқишларимизга файз бағишлайди.

**— Шуҳратжон, катта ансамбл билан ишлаш, унинг репертуарини замон талаби даражасида шакллантириб бориш осон кечадиган жараён эмас...**

— Албатта, ҳар одамнинг ўзига яраша феъл-атвори бор. Шунинг учун, биринчи навбатда, интизомга қатъий риоя қиламиз. Ҳарбийча темир интизом ҳамма ишимизни ўз вақтида кўнгилдагидек бажаришимизга имкон беради.

# МАРДЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҚЎШИҚЛАР




2001 йилдан буён жамоага раҳбарлик қилаётган бўлсам, ўтган давр мобайнида ансамбл репертуарини тубдан янгилашга ҳаракат қилдик. Асосий мақсадимиз — миллий менталитетимизга хос, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи халқчил куй-қўшиқлар яратиш. Ижодий режаларимизни кўнгилдагидек йўлга қўйишимиз учун бизга Ўзбекистон Қуролли Кучлари раҳбарияти томонидан ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида жамоамиз шуғулланиши учун чолғучиларга, хор ва раққосаларга, бошқа ижодкорларга алоҳида-алоҳида хоналар ажратилган. Концерт дастуримиз учун зарур бўлган кийим-кечаклар ўз вақтида етказиб берилади, чолғулар ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Шундай экан, бизнинг асосий вазифамиз халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида ифтихор туйғуларини уйғотадиган куй-қўшиқлар яратишдан иборат.

**— Байрам концертига қандай қўшиқларни тайёрладингиз? Умуман, ансамблнинг бу йилги режалари қандай?**

— Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан концертлар беришни аллақачон бошлаб юборганмиз. Ҳар куни турли ҳарбий қисмларда аскарлар ҳузурида чиқишлар қиляпмиз. Байрам концерти учун эса "Ватанга қасамёд", "Ягонасан, Ватан", "Омонёр" қўшиқларини тайёрладик.

Энди Наврўз байрами учун янги қўшиқлар яратишга киришамиз. Бундан ташқари, яккахон хонандаларимиз ҳам ўз репертуарини бойитиш устида изланишни давом эттирадилар. Айни кунларда жамоамиз билан "Йигитлар" қўшиғини тайёрлаяпмиз. Қўшиқ матни Иброҳим Жияновники, мусиқасини ўзим басталаганман.

*Ансамбл фаолиятини кўздан кечирган одам бу жанговор жамоа босиб ўтган ижодий йўлга ҳавас қилиши шубҳасиз. Ўзининг Ватан шон-шуҳрати, она юрт қадр-қиммати ҳақидаги қўшиқлари билан халқимизга, ёшларга ибрат бўлаётган бу жамоа, миллий санъатимизга истеъдодли хонандалар кириб келишига ҳам ҳисса қўшяпти. Бунга бугун халқимизнинг севимли хонандаларига айланган Озодбек Назарбеков, Мансур Тошматов, Алишер Файз, Лола Аҳмедова, Ойпопук Эшонхонова ижоди яққол мисол бўла олади.*

*Шунингдек, куни-кеча ансамбл раҳбари Шуҳрат Дадажонов "Йилнинг энг яхши ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари ижрочиси" деб эътироф этилгани ҳам жамоанинг ижодий изланишлари бесамар кетмаётганидан далолат бериб турибди.*

*Ушбу байрам кунларида ансамбл аъзоларига янги ижодий зафарлар тилаймиз. Юракларни тўлқинлантирувчи, Ватанга фидойи бўлишга ундовчи жанговор қўшиқлар кўпаяверсин.*

**Гулчеҳра УМАРОВА**

---

***Санъатнинг ўзига хос томони шундаки, хоҳ у саҳнада бўлсин, хоҳ кинолентада бўлсин, ижодкорнинг ҳар бир ҳаракати мухлисларнинг доимий эътиборида туради. Ўзинг ижро этаётган образ қиёфасига қанчалик чуқур кириб борсанг, мухлис сени юрагига шунча яқин олади. Актёр Ражаб Адашевнинг ижодий таржимаи ҳолига назар ташлаган киши ушбу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлади.***

***Ўтган йили санъаткорнинг кино соҳасидаги ишлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. У "Ўзбекистон халқ артисти" унвони билан тақдирланди. Табиийки, суҳбатимиз ҳам ижодкор меҳнати ва унинг эътирофига оид фикрлар билан бошланди.***

Учрашув

# ЎЗГА САЙЁРАЛИКНИНГ ОТАСИ

— Санъат соҳасидаги камтарона ижодим юксак унвонга муносиб кўрилганидан бағоят хурсандман, — деди Ражаб Адашев. — Аввало, бу шарафни томошабинларнинг менга бўлган ишончи, деб биламан.

Ҳар бир одам ёши улғайгани сайин, ўтган умрини сарҳисоб қилади. Мен ҳам санъатда эришганларим ва бой берганларимни бирма-бир чамалаб кўрсам, 1964 йилдан бери бу сеҳрли дунёда кечган умрим кўз олдимдан ўтади. Кинога болалигимданоқ ихлосманд бўлганман. Бутун қобилиятим, иқтидоримни намойиш этишга интилганман. Ўтган йиллар давомида 130 дан ортиқ ранг-баранг роллар ижро этдим.

Болалик йилларимни хотирласам, Ургут тумани кино залларида бериладиган ҳамма филмларни томоша қилишга шошадиган, дорбоз отасининг санъатга чуқур меҳр-муҳаббатидан шу соҳага иштиёқи кундан-кунга ошиб борган болакай кўз олдимда гавдаланади. Отам масхарабозлар гуруҳини ташкил этиб, бутун туманда томошалар кўрсатар эди. Ижодкорлик отамдан ўтган, десам адашмайман. Болалигимда "Пўлат қандай тобланди" филмида эпизодик рол ижро этганман.

1964 йили "Ўзбекфилм" киностудиясига танловлардан ўтиб ишга келдим. Қирқ олти йилдан буён санъат деб аталмиш кенг майдонда, ўзлигимни кашф этиш йўлида ижод қилиб келяпман. 1997 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирландим. Ўша кезлари ҳам ижод оламида амалга оширишим лозим бўлган ишлар ҳали кўп деб билардим. Ҳозир ҳам менинг бу борадаги фикрим заррача ўзгаргани йўқ. Унвонлар аслида катта масъулият дегани.

**— Санъатга иштиёқ отамдан ўтган, дедингиз. Фарзандларингиз орасида сизнинг касбингизни танлаганлари ҳам борми?**

— Одам қайси касбда фаолият олиб бормасин, унинг оила деган қўрғони ишончли бўлмаса, жамиятдаги мавқеи ҳам, танлаган соҳасидаги ўрни ҳам мустаҳкам эмас, деб ўйлайман. Ўзим катта оила бошлиғиман. Рафиқам олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси бўлган. Ҳозир нафақада. Тўрт фарзандимиз бор. Улардан еттита набира кўрдим. Энг кенжа набирам яқинда дунёга келди.

Қизларим онаси касбини танлашди. Ўғилларим "Ўзбектелефилм"да ишлашади. Бирининг касби муҳандис, бири эса монтажчи. Улар актёрлик касбини танлашмаган бўлса-да, соҳалари кино санъатига яқин.

**— "Абдуллажон" филми сизга катта муваффақият келтирди? Шу филмдан сўнг ҳатто сизни баъзилар "Ўзга сайёраликнинг отаси" дейдиган бўлишди.**

— Бу филм чиндан ҳам актёрлик фаолиятимда муҳим воқеа бўлди. 1993 йили Наби Ғаниев номидаги гриффонда "Абдуллажон" филмидаги ижром учун "Энг яхши эркак роли" номинацияси бўйича ғолиб бўлганман. "Кичкина табиб" филмидаги ролимни ҳам муваффақият келтирган ишларимдан бири, деб биламан.



**— Ижод олами сир-синоатларга тўла. Томошабин филмни экранда тайёр ҳолда кўради. Кадр ортида эса шундай кутилмаган воқеалар бўладики...**

— Тўғри, суратга олиш жараёнида кутилмаган, ҳатто кулгили ҳолатлар юзага келиб туради. Ҳар бир актёрнинг ижод жараёни билан боғлиқ хотиралари бўлади.

"Дил пайванди" сериалини тайёрлаш пайтида бир воқеа содир бўлганди. Биласиз, сериалда оқсоқол ролини ижро этганман. Суратга олиш кунларининг бирида актёрлар билан тушлик қилдик. Тушлик тугамасиданоқ, суратга олишга чақириб қолишди. Шоша-пиша ўрнимиздан турдик. "Мотор" деган даъват эшитилди. Жон-жаҳдим билан ролга киришиб, ижро этаётсам, ён-атрофдаги партнёрларим менга қараб оғзини кўрсатаверади. Охири, ҳолатдан чиқдим-да: "Нима гап ўзи, нега мени тўхтатасизлар?" деб уларга эътироз билдирдим. Сериалда ўғлим ролини ижро этаётган актёр Беҳзод Ҳамроев: "Ражаб ака, ясама тишингизни тақиш эсингиздан чиқибди", деб кулиб юборди. Ишонасизми, шу даражада ролга киришиб кетганимдан буни сезмабман. Бошқалар ҳам иккинчи дублдан кейин пайқашибди. Лекин битта кадр ўша ҳолатда монтаж қилинган. Менимча, буни томошабинлар ҳам сезмаган бўлса керак.

**— Маълумки, ҳар бир инсон ўз соҳасида катта-катта ниятларни кўнглига тугиб яшайди. Аммо актёрликда бирор орзу-ҳавас ушалиши доим ҳам санъаткорнинг ўзига боғлиқ эмас. Демакчиманки, ижод борасида армонингиз борми?**

— Ҳақиқатан, актёрнинг тақдири маълум маънода режиссёрлар, кино соҳасининг барча вакилларига боғлиқ. Сизга қандай рол берилишини олдиндан билмайсиз.

Умуман актёр киноасарда ўз ролининг етмиш беш фоизини ижро этиб бўлгачгина, шу ролни мен талқин қиляпман, дея олиши мумкин. Баъзан филм суратга олинаётганида ишнинг ўртасида ҳам актёрлар алмаштирилганининг гувоҳи бўлганмиз. Албатта, биз санъат аҳли ички имкониятларимизни очиб беришга қодир роллар ижро этишни хоҳлаймиз. Мукаммал сценарийларни кутамиз. Актёр серқирра ижодкор бўлиши лозим. Битта комик ролни яхши ижро этганига қараб, уни фақат шу йўналишдаги ролларга таклиф қилиш нотўғри. Режиссёр маҳоратли ижодкорнинг иқтидоридан истаганича фойдаланиши мумкин. Мен шу ўринда Зулфиқор Мусоқов, Пўлат Файзиев каби профессионал режиссёрларнинг актёрлар билан ишлаш тажрибаларини алоҳида таъкидлашни истардим. Улар шахсан менинг ижодий фаолиятимга ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

Армон ҳақида... санъат бобида армонсиз актёрман, дея оламан. 1965 йили "Насриддин Афанди" филмига танловга чақиртирилган эдим, афсуски, ёш ижодкорлигим, санъатда тажрибасизлигим учун кўрикдан ўтолмаганман. Насриддин ролини ижро этиш озарбойжонлик актёрга топширилди. Ўшанда барибир Афанди ролини ўйнайман, деган орзуни юрагимнинг бир четига тугиб қўйдим. Буни қарангки, орзуим амалга ошди. "Афанди ва азроил" картинасида Насриддин ролини ўйнашга муваффақ бўлдим.

**— Суҳбатимиз якунида шогирдларингизга, санъат ихлосмандларига тилакларингизни изҳор этсангиз.**

— Юртимиз аҳлини кириб келган янги йил билан самимий қутлайман. Ҳар бир хонадонга тўкин-сочинлик, тинчлик-хотиржамлик, ҳар бир санъатга ошуфта қалбга эзгулик ёр бўлсин. Ёш ижодкорларга машаққатли санъат йўлида фидойилик тилайман. Зеро, чин қалбдан қилинган меҳнат ўзининг муносиб баҳосини олиши муқаррар. Яна шуни истардимки, дунёда тоза қалблар кўпайсин. Яхшилик томир ёйсин. Эзгу орзулар рўёбга чиқсин!

**Назокат УМАРОВА**
**суҳбатлашди**

---

# НАФОСАТНИНГ ТУРФА РАНГЛАРИ

Эътироф

Мўйқалами билан турфа гўзалликлар яратаётган, матоларга шарқ аёлларининг бетакрор сиймоларини, юрт манзараларини, табиат гўзалликларини муҳрлаётган ўзбек рассомлари орасида Нодира Орипованинг ўз ўрни бор.

Самарқандда ўсиб-улғайган Нодирадаги рассомликка бўлган қизиқиш ва меҳр-муҳаббат уни пойтахтдаги Бенков номидаги билим юртига етаклаб келди. Сўнгра Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг "Маҳобатли рангтасвир" бўлимида таҳсил олди. Ўқиш даврида ҳам, иш фаолиятини бошлагандан кейин ҳам ўз асарлари билан кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмаларда қатнашиб келади.

Н.Орипова ўзидан олдин ижод оламига кириб келган барча рассомларни устоз деб билади. Айниқса, истеъдодли мусаввир, марҳум Шуҳрат Абдурашидов номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. "Эй қора қиз, — деганди унга Шуҳрат ака. — Қўлингдан бўёқни ташлама. Чиз, матога тасвирларни тушираверм. Сендан ажойиб рассом чиқади. Мана мени айтди дерсан". Устознинг башорати тўғри чиқди. Бугун Нодира Орипова юртимизнинг кўзга кўринган рассомларидан бири. "Ижодимдаги миллийлик, миллий тарихимизга тез-тез нигоҳ ташлаш, ўтмишни замон билан туташтириш, айниқса, Шарқ аёллари сиймосини тасвирлаш Шуҳрат Абдурашидовдан илҳомланиб ижод қилганим туфайлидир", — дейди у.

"Кўксарой гўзаллари", "Дилбар", "Лайло", "Фариштлар" асарларида тасвирланган аёллар образларида рассомнинг зийрак нигоҳи, нозик руҳияти, ўтмиш ва замонавийликни уйғунлаштириш маҳорати яққол кўзга ташланади. Тасвирдаги аёлларни безаган ҳар бир тақинчоқда, либосларнинг бетакрор рангларида Нодира Орипованинг қалб қўри сезилиб туради. Айниқса, мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган "Кўкламой" асари ҳар қандай одамда баҳорий хушкайфият уйғотади. Асарда тасвирланган кўклам рамзи навниҳол қиз, унинг эгнидаги ҳарир либос, атрофига сочилган турфа ранг гуллар — ҳаммаси гўзал симфонияни эслатади. Бу асарни фасллар келинчаги баҳорга қасида дейиш мумкин. Серқирра рассомнинг турли жанрларда яратилган барча асарлари алоҳида нафосати, ёрқин ранглар жилоси билан ажралиб туради.



Нодира Орипова фақат ижодда эмас, педагогликда ҳам муваффақият билан фаолият олиб боряпти. Ҳозирги кунда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг санъат факултетида талабаларга тасвирий санъат сир-асрорларидан сабоқ беряпти. Худди ижодда бўлгани каби ўқув жараёнида ҳам шогирдларига бор меҳр-муҳаббатини бахшида этади, уларда танлаган касбига фидойиликни тарбиялаш йўлида куч-қувватини аямайди.

Моҳир рассом ва меҳрибон устоз Нодира Орипова ҳали кўплаб бадиий мукаммал асарлари билан тасвирий санъатимиз хазинасини бойитишга ҳисса қўшади, деб ишонамиз.

**Жамол ИСКАНДАРОВ**

---

# УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Янги йил арафасида Ўзбекистон давлат консерваториясида композитор ва педагог Валерий Сапаровнинг "Жазнинг 24 та прелюдияси" туркуми янгради.

"Жаз услубида ёзилган 24 та прелюдия эндигина жаз мусиқасини ўргана бошлаган ёш талабаларнинг ушбу жанр оламига дадил кириб боришларига, ўзлари учун янгилик бўлган мусиқа оламини кашф этишларига ёрдам беради, — дейди В.Сапаров. — Талабаларим бу концертга яхши тайёргарлик кўрганлари ва бутун туркумни тўкис ижро этаётганларидан мамнунман".

Устоз лойиҳасини амалга оширишда биринчи курсдан тўртинчи курсгача бўлган талабалар — Александр Ишбулатов, Руфина Пшанова, Любов Ширейкина, Венера Мироничева, Евгения Приходка, Сайёра Иброҳимова, Андрей Рижов ва таниқли пианиночи Руфина Усмонова катта ёрдам берди.

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

---

Доимий ҳамроҳ

Санъатнинг юрт маданияти, маънавиятини дунёга танитишдаги роли беқиёс. Миллат тафаккури, дунёқараши ҳам санъат орқали намоён бўлади. Бу ўринда, Муҳиддин Қориёқубов, Маннон Уйғур, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Комил Ёрматов, Лутфихоним Саримсоқова каби санъаткорлар номи ўзбек санъати тарихида ўчмас из каби муҳрланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.




Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи томонидан таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ўткир Шокировнинг "Ўзбек санъаткорлари" китобининг чоп этилиши соҳа мутахассислари ва ихлосмандлари учун айни муддао бўлди. Китоб XIX — XX асрда яшаб, ижод қилган ва бугун ҳам санъатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ижодкорлар ҳаёти ва ижодига бағишланган. Китоб бешта бўлимдан иборат бўлиб, уларда драма ва мусиқали театр актёрлари, опера ва балет санъати намояндалари, театр режиссёри ва рассомлари ҳамда кино жонкуярлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Нашр муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. Адади 3000 нусха.

***




"Ҳаёт китоби" янги йилда ёш оилалар учун муносиб туҳфа бўлди, деб айтиш мумкин. Оиланинг шаклланиш жараёнида, фарзанд тарбияси, соғлом турмуш тарзи ва унинг моддий-маънавий асослари, оила аъзоларининг ҳуқуқий муносабатлари, фарзанд кўришга тайёргарлик ҳамда оилавий тадбиркорликни ташкил қилишда энциклопедик қўлланманинг ёшлар учун аҳамияти катта.

"Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган мазкур китоб "Баркамол авлод йили" давлат дастури доирасидаги вазифалардан бири бўлиб, Адлия вазирлиги, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Нуроний" жамғармаси, "Миллий ғоя ва мафкура", "Оила" илмий-амалий марказлари ҳамда Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланди.

Китобда оила қуришдан бошлаб, рўзғор юритиш, унинг моддий фаровонлигини ошириш, фарзанд тарбияси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Муҳаррир Ш.Эргашева. Адади 100000 нусха.

---

# Консерваторияда учрашув

Ўзбекистон давлат консерваториясида америкалик адабиётшунос олима, филология фанлари доктори, профессор Анна Олдфилд билан ижодий мулоқот бўлиб ўтди. Аннахоним Нью-Йоркдаги Гамилтон университетида фаолият олиб боради.

Юртимизга илк бор ташриф буюрган Аннахоним ўзбек мумтоз мусиқасининг етук намунаси бўлмиш "Шашмақом" туркумини ўрганиб, Америкада тарғиб қилишни мақсад қилган. Медисон, Висконсин университетларида Марказий Осиё маданиятини ўрганувчи факултетлар мавжуд бўлса-да, мумтоз мусиқа ҳақидаги маълумотлар камлигини олима афсус билан эътироф этди. "Америкалик ёшларнинг мақомдек мураккаб мусиқани қабул қилишларида маълум муаммолар туғилиши табиий, — деди у. — Чунки улар қисқа куй ва содда қўшиқларни ҳиргойи қилишга ва тинглашга ўрганиб қолишган. Мақомларни тинглаш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини тушуниш, шеърий мисраларни англаб етиш маълум тайёргарликни талаб этади. Мазкур жараёнда нафақат назарий билимларнинг, балки жонли ижодий мулоқотнинг ўрни ҳам беқиёс".

Мулоқот жараёнида консерватория талабалари илмий-ижодий изланишлари ҳақида инглиз тилида сўзлаб берар эканлар, олима ўзбекистонлик ёшларнинг шижоатидан ҳайратда қолди.

**Дилноза АСАНОВА,**
**Консерватория талабаси**

---

# ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида замонавий санъатда гедонизм тушунчаси мавзуида илмий-экспериментал анжуман бўлиб ўтди. Мазкур конференция санъатшунослик факултети "Бадиий танқидчилик тарихи ва назарияси" фани маърузалар дастури доирасида академик Акбар Ҳакимовнинг муаллифлик лойиҳасидир.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад бўлажак санъатшуносларнинг замонавий санъатнинг ривожланиш муаммоларига доир шахсий фикрларини шакллантириш, ижодий изланишлар орқали билими ва савиясини ошириш ҳамда илмий ташаббус лойиҳаларини яратишдир.

"Гедонизм" лотинча "hedone" — лаззатланиш, роҳатланиш маъноларини англатади. Анжуман доирасида Леким Ибрагимов, Баҳодир Жалолов, Жамол Усмонов, Жолдасбек Қуттимуродов, Гулзор Султонова каби рассомларнинг севги-муҳаббат мавзуидаги гедонистик руҳдаги асарларига бағишланган маърузалар тингланди.

**Умида АҲМАДХЎЖАЕВА**

---

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Бухоро вилоятидаги чегара қўшинлари ва умумҳарбий қўшинлар қисмларида "Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда", "Мардлар қўриқлайди Ватанни" мавзуларида мусиқали тадбирлар ташкил этилди. Унда "Нурафшон" ашула ва рақс халқ ансамбли ҳамда эстрада хонандалари қатнашди. Шофиркон туман марказий маданият уйида ўтган "Ўғлонларинг бор бўлсин, Ватан" учрашувида зобит ва аскарлар иштирок этди.

* * *

Сирдарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтиши учун "Ватан ҳимояси энг олий бурч" сценарийси асосида катта дастур тайёрлади. Вилоят халқ ижодиёти маркази сценарийси асосида О.Хўжаев номидаги мусиқали драма театрида байрам тадбири ўтказилди.

Концерт дастурида таниқли маданият намояндалари, иқтидорли ёш эстрада хонандалари ва бадиий жамоалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Тадбирда Гулистон шаҳар "Сайҳун Зиё ниҳоллари" ҳарбий спорт мактаби ўқувчилари ҳам қизиқарли дастур билан қатнашди.

**М.КАРИМОВА**

